

Раҳмдилликнинг фазилатлари

05:00 / 04.03.2017 3521

Раҳмдиллик - бу инсон табиатидаги энг гўзал туйғу бўлиб, айнан мана шу туйғу орқали инсон ўзгаларнинг ғам-андуҳларини ҳис қилади, уни бартараф этишга ошиқади, хато ва камчиликларига ўкинади ва доимо тинчлик ва хотиржамлик бўлиши орзуси билан яшайди. Ер юзидаги барча мавжудот ва махлуқотларнинг ўзаро меҳрибон ва раҳмдилликлари Аллоҳ таолонинг уларга Ўз раҳматидан берган бир бўлагининг тажаллисидир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

“Аллоҳ таоло Ўз раҳматини юз бўлак қилди ва ундан бир бўлгини ерга туширди. Ана шу бўлак туфайли халойиқ бир-бирига меҳр кўрғазади, ҳатто ҳайвон ҳам боласини босиб олишдан қўрқиб туёғини кўтаради” (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ таолонинг гўзал исмларининг аксари раҳмат, карам, фазл ва афв маъноларидан келиб чиққан бўлиб, бу Парвардигорнинг башариятнинг гуноҳларини кечиб юбориши улардан интиқом олиши ва ғазабланишидан кўра кўпроқ содир бўлишини англатади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда: “Албатта, раҳматим ғазабимдан ғолибдир”, - деган бўлса (Имом Муслим ривояти), Қуръони каримда эса бандаларига: “Эй, Раббим! (Гуноҳларимизни) мағфират эт ва (ҳолимизга) раҳм айла! Сен (ўзинг) раҳм қилувчиларнинг яхшисидирсан”, деб айтинг”, - деб таълим берган (Муъминун сураси, 118-оят).

Ислом дини таълимоти инсонларни нафақат одамзодга нисбатан балки, бизни ихота қилиб турган барча мавжудотларга ҳам бирдек меҳрибон бўлишликка тарғиб қилади. Ҳатто, жамият учун хавф туғдирадиган унсурларни бартараф этиш ҳам, зарарли ҳайвон ёки ҳашаротларни ўлдиришга изн берилиши ҳам қайсидир маънода инсоният учун қилинган меҳрибончиликнинг бир кўринишидир. Жарроҳ ҳам жароҳатни даволаш учун беморнинг танасига тиғ уради, аъзоларини кесади ва албатта, буни фақат беморни даволаш мақсадида, унга нисбатан раҳм-шафқат юзасидан қилади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, ўзгаларга нисбатан раҳмдил ва мурувватли бўлиш энг улуғ фазилатлардан бўлиб, ҳар бир инсон ўзида мазкур фазилатни зиёда бўлишига ҳаракат қилмоғи лозим. Зеро, раҳмдиллик туйғуси бизларнинг қонимизга шунчалик сингиб кетганки, ўзаро меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ҳамда кечиримли бўлиш ҳисси ҳалқимизга хос фазилатга айланган.

Инсон шунчалик ожиз бандаки, гоҳида билиб ёки билмай гуноҳ ишга қўл уриб қўйганда тавба ва истиғфор билан бирга Аллоҳ таолонинг “Ғофурур раҳийм” сифатидан умид қилади. Бу эса ҳар бир инсон Аллоҳнинг нақадар кечиримли ва марҳаматли зот эканини эътироф этишини англатади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида: “Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланинглари”, - деб марҳамат қилганлар. Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлган кимса ўзгаларга ҳам марҳаматли бўлиши лозимдир. Мана шуни таъкидлаган ҳолда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Одамларга раҳмли бўлмаган кимсаларга Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди”, - деганлар (Имом Бухорий ривояти). Бошқа бир ҳадисда эса: “Кимки унинг учун жаннатда бинолар қурилишини ва даражалари кўтарилишини хоҳласа, зулм қилганни авф этсин, бермаганга берсин ва орани узганга силаи раҳм қилсин”, - деганлар (Имом Ҳоким ривояти).

Шавкат АҲМЕДОВ

“Хўжа Аламбардор” жомеъ

масжиди ноиби – имоми

“Олтин қалам” VII Миллий

мукофоти соҳиби